

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

КАМБУРОВА ВЕНЕРА СЕЙТУМЕРОВНА

**ГЕНЕТИК ЎЗГАРТИРИЛГАН ОРГАНИЗМЛАР: УЛАРНИНГ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ВА ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ БАҲОЛАШ**

03.00.14 – Геномика, протеомика ва биоинформатика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Камбурова Венера Сейтумеровна

Генетик ўзгартирилган организмлар: уларнинг хавфсизлигини ва қонунчилик базасини баҳолаш..... 3

Камбурова Венера Сейтумеровна

Генетически модифицированные организмы: оценка их безопасности и законодательной базы..... 27

Kamburova Venera Seytumerovna

Genetically modified organisms: assessment of their safety and legal framework..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

КАМБУРОВА ВЕНЕРА СЕЙТУМЕРОВНА

**ГЕНЕТИК ЎЗГАРТИРИЛГАН ОРГАНИЗМЛАР: УЛАРНИНГ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ВА ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ БАҲОЛАШ**

03.00.14 – Геномика, протеомика ва биоинформатика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Докторлик (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.DSc/B61 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Геномика ва биоинформатика марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Турдикулова Шахлохон Уткуровна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Убайдуллаева Хуршида Абдуллаевна
биология фанлари доктори

Элинская Ольга Леонтьевна
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Абдуллаев Алишер Абдумавлонович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.:(+99871)264-23-90, факс (+99871)264-23-90. E-mail:igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (за №__ рақам билан рўйхатга олинган). Адрес: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Тел.:(+99871)264-23-90, факс (+99871)264-23-90.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ да тарқатилган.

(2023 йил «__» _____ № _____ рақамли реестр баённомаси)

А.А.Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор

И.Дж.Курбанбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор

С.К.Бабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёдаги глобал иқлим ўзгариши ва аҳоли сонини ошиши сабабли қисқа муддатда қишлоқ хўжалиги экинларнинг стрессга чидамли янги юқори ҳосилдор навларини олиш долзарб бўлиб бу масалани биотехнология ва ген муҳандислиги услубларини қўллашсиз ҳал қилиб бўлмайди. Бироқ, замонавий биотехнология маҳсулотларини катта даромад келтиришига қарамадан улар инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун потенциал хавф туғдириши мумкин деган фикр мавжуд. Шу нуқтаи назардан, ген муҳандислик фаолияти (ГМФ) ва генетик модификацияланган организмлар (ГМО) хавфини баҳолаш муаммосининг долзарблиги улардан фойдаланишдаги хавфларини баҳолаш ва инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишини таъминлаш учун илмий далилларга асосланган услубларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ген муҳандислик фаолиятининг эҳтимолий салбий оқибатларини олдиндан кўра билиш ва олдини олишдан иборатдир.

Шу сабабли дунё тадқиқотчиларининг асосий мақсадларидан бири ГМО хавфсизлигини аниқлаш усуллари ва ёндашувларини ишлаб чиқишдир. Бу борадаги изланишлар натижасида, ҳозирга қадар ГМОларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфсизлигини баҳолашнинг самарали тизимлари ишлаб чиқилди. Унда таклиф этилаётган генетик модификацияни режалаштириш босқичидан тортиб, хўжалик фаолиятида ГМОлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи трансген навнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олишгача қўлланиладиган ёндашув ва усулларнинг бутун мажмуаси мавжуд. Дунёнинг аксарият ривожланган давлатларида биохавфсизлик бўйича махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган ва самарали фаолият кўрсатмоқда ҳамда уни амалга ошириш учун тегишли ваколатли органлар ташкил этилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги навларини олиш ва жорий этишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида¹ “Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва илғор илм-фан ютуқларини татбиқ этиш ҳисобидан қишлоқ хўжалигининг ҳар йили камида 5 фоиз ўсишини таъминлаган ҳолда деҳқон ва фермерлар даромадларини камида икки баробар ошириш” вазифаси белгиланган. Бу вазифалардан келиб чиқиб, замонавий ген инженерия усулларида фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларининг ноқулай экологик шароит ва патогенларга чидамли янги навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, биохавфсизлик бўйича Картаген протоколининг ратификация қилиниши тадқиқотчилар олдига яратилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони

генетик модификацияланган экин навларининг хавфсизлигини баҳолаш вазифасини кўяди.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 14-октябрдаги ЎРҚ-569-сон “Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биоҳавфсизлик бўйича Картахена протоколига қўшилиши тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 25-ноябрдаги “Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4899-сон қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларга шарҳи². Инсон саломатлигига (токсиклик, аллергиялик ва генларнинг горизонтал кўчиши) ва атроф-муҳитга потенциал салбий таъсирини (генлар миграцияси хавфи, чидамли организмларнинг пайдо бўлиши, бегона ўтлар пайдо бўлиш потенциалининг ошиши ва нишондан ташқари ген таъсири) баҳолашга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг турли тадқиқот марказлари ва таълим муассасалари, шу жумладан Австралиянинг Faculty of Science (School of Biosciences, The University of Melbourne), Хиндистонда Defence Food Research Laboratory, Siddarthanagar, Европа комиссиясининг қўшма тадқиқот маркази (European Commission’s Joint Research Centre), Польшанинг (University of Medical Sciences, Poznan, Poland), Корея (Konkuk University, Seoul ва Kangwon National University) университетларида олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда чоп этилган илмий нашрларга кўра, дунё тадқиқотчилари томонидан олиб борилган катор илмий тадқиқотларнинг (M.Kramkowska et.al 2013; R.Raman, 2017; A.S.Bawa and K.R.Anilakumar, 2013; Orlando Acosta, 2008) натижалари асосида ГМ экинларини етиштириш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ потенциал хавфларни баҳолаш стратегиялари ишлаб чиқилган ва ГМ озиқ-овқат экинлари анъанавий селекция усуллар билан олинган экинларга нисбатан хавфли эмас, ҳамда ГМ экинлари бутун дунё бўйлаб тўйиб овқатланмайдиган одамлар сонини камайтиришга ҳисса қўшиши мумкин деган хулосага келинган.

Шунда, трансген маккажўхори TC1507 линиясининг инсон саломатлиги

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.msstate.edu>, <https://www.mafes.msstate.edu>, <https://www.tamu.edu>, <https://biodiversity.uoguelph.ca>, www.hzau.edu.cn, <https://www.natureindex.com>

ва атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирини баҳолаш бўйича бутун дунё бўйлаб ўтказилган тадқиқотлар натижасида модел ҳайвонларга ҳеч қандай салбий таъсир аниқланмаган ва трансгенларнинг TC1507 линиясидан бошқа ёввойи турларга ва микроорганизмлар горизонтал ва вертикал кўчиши кузатилмаган. Шунингдек, тадқиқотлар доирасида нишондан ташқари организмларга мақсаддан ташқари таъсирлар аниқламаган (Dow AgroSciences LLC, АҚШ). Гербицидларга чидамли маккажўхори DP-Ø9814Ø-6 (A DuPont Company, США), глифосатга чидамли соя линияси DP-356Ø43-5 (DuPont Haskell Global Centers for Health and Environmental Sciences, АҚШ), гербицидларга чидамли канола линияси DP-Ø73496-4 (DuPont Haskell Global Centers for Health and Environmental Sciences, АҚШ), шунингдек, РНК интерференцияси усули билан олинган ўсимлик линиялар учун аналогик натижалар олинган (Monsanto Company, АҚШ и Brigham and Women's Hospital, АҚШ).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда кўплаб тадқиқотчилар ГМ экинларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфсизлигини баҳолаш билан шуғулланиб келишмоқда. Хусусан, К. Pauwels (2015), E.L. Levitsky (2016), A. Nadal et al. (2018), P.A. Giraldo et al. (2018), B. De Santis et al. (2018), J.S. Petrick et al. (2015, 2016), C. Mallory-Smith (2015), A.M. Tsatsakis (2017), G. Vaktavachalam et al. (2015), B. Delaney (2014) ва бошқа бир қатор олимлар ГМ-экинларининг инсон саломатлига ва атроф-муҳит учун хавфсизлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказганлар.

Ўзбекистонда “Порлоқ” серияли ген-нокаут ғўза навлари чигитини қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлиги текшириш И-2015-6-15 “Ген нокаут Порлоқ – ғўза навларининг чигитларини қайта ишлаш маҳсулотларини кимёвий, биокимёвий ва фармакотоксикологик кўрсаткичларини баҳолаш” бўйича чекланган тадқиқотлар идоралараро лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Бирок, ГМ ғўзанинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга бўлган хавф-хатарларини комплекс баҳолаш бўйича илмий ишлар ҳалигача амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий – тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Геномика ва биоинформатика маркази тадқиқот ишлари режаларининг И-2015-6-15 “Ген нокаут Порлоқ – ғўза навларининг чигитларини қайта ишлаш маҳсулотларини кимёвий, биокимёвий ва фармакотоксикологик кўрсаткичларни баҳолаш” (2015-2016) инновацион, ФА-Ф-5-025 “Ўзанинг ген-нокаут навлари протеоми ва метаболомини тадқиқ қилиш” (2017-2020) фундаментал ва ПЗ-2021022211 “Ген-муҳандислиги ёрдамида яратилган янги ўсимлик турлари ва навларининг биохавфсизлигини баҳолаш технологиясини ишлаб чиқиш” (2021-2023) амалий лойиҳалар доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади Порлоқ ген-нокаут ғўза навларининг хавфсизлигини комплекс баҳолаш, шунингдек, ген муҳандислиги фаолиятини қонунчилик билан тартибга солиш бўйича мавжуд халқаро тажрибани таҳлил

қилиш ва умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Порлоқ ғўза навларини молекуляр генетик тавсифлаш ҳамда нишон ва дифференциал экспрессияланувчи (ДЭГ) генлари экспрессия даражаси аниқлаш;

Порлоқ ғўза навлари чигитида генетик модификация таъсирида макро-, микро- ва антинутриентлар таркибидаги ўзгаришларни аниқлаш;

Порлоқ ғўза чигитларини қайта ишлаш маҳсулотларининг умумий ва специфик токсиклигини, ҳамда потенциал аллергенлигини аниқлаш;

Порлоқ ғўза навлари генларнинг вертикал ва горизонтал кўчиш хавфини, ҳамда чидамли организмларнинг пайдо бўлиш ва бегона ўтлар потенциалининг ортиши эҳтимолини баҳолаш;

Порлоқ ғўза навларининг нишонда бўлмаган организмлар – одамлар (*Homo sapiens*), асаларилар (*Apis mellifera*), хонқизи (*C. septempunctata*), кўсак курти (*Helicoverpa armigera*) ва ғўза шираси (*Aphis gossypii*) геномларига таъсир қилиш эҳтимолини баҳолаш;

ГМФни тартибга солиш соҳасидаги халқаро ва миллий қонунчиликни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Тадқиқот объекти Порлоқ-2 ва Порлоқ-4 ғўза навлари чигитлари ва чигитни қайта ишлаш маҳсулотлари (пахта ёғи, шроти ва пўстлоғи), Кокер-312 дастлабки линияси чигитлари, ҳамда назорат нав сифатида классик селекция усуллари ёрдамида олинган АН- Баёвут-2 навининг чигитларни қайта ишлаш маҳсулотлари (пахта ёғи, шроти ва пўстлоғи), рHellsgate-8::РНУА1 генетик конструкцияси, шунингдек, биохавфсизлик соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Тадқиқот предмети Порлоқ ғўза навларининг молекуляр-генетик, биокимёвий, токсикологик, аллергологик ва экологик хавфсизлиги кўрсаткичларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация тадқиқотларида молекуляр генетиканинг асосий усуллари, геномиканинг замонавий усуллари, биоинформатика усуллари (BLASTN таҳлили, *in silico* тахмин қилиш, siRNA иккиламчи структура аниқлаш ва фолдинги), биокимё ва биоорганик кимёнинг анъанавий усуллари, токсикологик усуллар ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор, ғўза фитохром А1 гени учун яратилган RNAi-конструкцияси ўрта толали ғўзанинг бошқа генларига нишондан ташқари таъсир этмаслиги ва назорат Кокер-312 линиясига нисбатан ДЭГларнинг экспрессия даражасини ўзгартирмаслиги аниқланган;

ғўза геномига рHellsgate-8::РНУА1 генетик конструкциясининг киритилиши ғўза RNAi навларининг муҳим эквивалентлигига, хусусан, асосий макро-, микро- ва антинутриентларнинг таркибига таъсир кўрсатмаслиги ва шу сабабли ғўза чигитининг озуқавий қиймати ҳамда токсик потенциалининг ўзгаришига олиб келмаслиги кўрсатилган;

Порлоқ ғўза навлари чигитлардан олинган тозаланган пахта ёғини АН-Баёвут-2 нави ёғига нисбатан умумий токсиклигини баҳолашда ғўза геномига рHellsgate-8::РНҮА1 генетик конструкцияси киритилганда умумий токсик потенциалнинг ошмаслиги аниқланган;

специфик токсикликни тадқиқ қилишда ғўза геномига рHellsgate-8::РНҮА1 генетик конструкциясини киритилиши Порлоқ ғўза навлари чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларда мутагенлик эффекти, гонадотоксиклик, эмбриотоксиклик ва тератогенликнинг АН-Баёвут-2 навига нисбатан кучаймаслиги аниқланган;

ғўзада РНК интерференция усули ёрдамида Порлоқ ғўза навлари чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг АН-Баёвут-2 ғўза навининг аналогик маҳсулотларига нисбатан аллергенлик даражаси ошмаслиги аниқланган;

Порлоқ ғўза навларидан ёввойи ўсувчи қариндош турларига генларнинг вертикал кўчиб ўтиш эҳтимоли пастлиги, бироқ Порлоқ ғўза навларидан трансгенларнинг Ўзбекистонда етиштириладиган бошқа маъданий ғўза навларига кўчиб ўтиш эҳтимоли мавжудлиги кўрсатилган;

Порлоқ ғўза навларидан трансгенларни бактерия геномига горизонтал кўчиб ўтиш имконияти мавжудлигига қарамай, салбий таъсир эҳтимоли паст эканлиги аниқланган;

рHellsgate-8::РНҮА1 генетик конструкцияси *G. hirsutum* фитохром А1 гени учун юқори спецификликка эга эканлиги аниқланди, бу эса чидамли организмларнинг пайдо бўлиши ва бегона ўтлар потенциалининг ортиши хавфининг баҳоланаётган Порлоқ навлари учун аҳамиятсиз эканлиги аниқланган;

рHellsgate-8::РНҮА1 генетик конструкциясидан ҳосил бўлган siRNA нинг йўналтирувчи ва йўловчи занжирлари ҳам нишонда бўлмаган организмлар – одамлар (*Homo sapiens*), асаларилар (*Apis mellifera*), хонқизи (*C. septempunctata*), кўсак қурти (*Helicoverpa armigera*) ва ғўза шираси (*Aphis gossypii*) геномларига номақбул таъсир кўрсатмаслиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Порлоқ ғўза навлари чигитлари таркибидаги асосий макро-, микро- ва антинутриентлар таркиби, назорат Кокер-312 линияси чигитлари таркиби билан аҳамиятли даражада тенг эканлиги аниқланди, бу эса генетик модификациянинг ўрта толали ғўзанинг бошқа генларига нишондан ташқари ва кутилмаган таъсири йўқлигини кўрсатади;

ғўза геномига рHellsgate-8::РНҮА1 генетик конструкциясининг киритилиши Порлоқ ғўза навлари чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларини АН-Баёвут-2 назорат навидан олинган шунга ўхшаш маҳсулотлар билан солиштирганда умумий (ўткир, ўткирости ва сурункали) ва специфик токсиклик (мутагенлик, гонадотоксиклик, эмбриотоксиклик ва тератогенлик), шунингдек, аллергенли ошмаганини кўрсатди. Бу Порлоқ ғўза навлари чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларининг инсон саломатлиги учун хавфсиз эканлиги ҳақида гапиришга имкон беради;

Порлоқ ғўза навларининг экологик хавф-хатарлари (генларни вертикал ва горизонтал кўчиб ўтиши, чидамли организмларнинг пайдо бўлиши ва бегона ўтлар потенциалининг ошиши, шунингдек, нишонда бўлмаган организмлар геномларига таъсири) эҳтимоли паст эканлиги аниқланди, бу эса атроф-муҳитга салбий таъсир йўқлигидан далолат беради;

ГМ-экинларининг муҳим эквивалентлиги, потенциал токсиклиги ва аллергенлигини баҳолаш учун методология ишлаб чиқилди, экотизимларда генлар миграцияси эҳтимоли, чидамли организмларнинг пайдо бўлиш хавфи, ГМО ларнинг бегона ўтлар потенциалининг ошиши ва ГМОларнинг нишондан ташқари таъсири, шунингдек, генетик конструкцияни ген-нокаут Порлоқ навларидан Ўзбекистонда етиштириладиган бошқа пахта навларига кўчиб ўтиш хавфини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий молекуляр-генетик, биоинформатик, биокимёвий ва токсикологик тадқиқот усулларидан ҳамда маълумотларни статистик таҳлил қилиш орқали олинган натижалар билан тасдиқланган: вариацион таҳлил (ANOVA), корреляция таҳлили учун Пирсон мезони ва бошқа статистик усуллар, олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганни ва илмий нашрларда чоп этилгани.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Порлоқ ғўза навларининг инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфсизлиги асосларини ўрганиш, уларнинг назорат Кокер-312 линиясига нисбатдан сезиларли эквивалентлигини аниқлаш, чигит маҳсулотларининг токсик ва аллергик таъсирларнинг йўқлиги, паст даражадаги экологик хавф-хатар юзага келиш эҳтимоли даражасини аниқлаш, шунингдек, ГМО ни тартибга солиш соҳасидаги халқаро қонунчилик базасини таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ГМ-экинларининг инсон саломатлиги (асосий эквивалентлик, потенциал токсиклик ва аллергенлик) ва атроф-муҳит (экотизимларда генлар миграцияси, чидамли организмларнинг пайдо бўлиши, ГМО ларда бегона ўтлар потенциалининг ошиши, нишондан ташқари таъсирлар) учун хавфларни баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, Порлоқ ғўза навларидан бошқа навларга генетик конструкцияларни кўчиб ўтиш хавфини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Порлоқ ғўза навларининг хавфсизлигини ва ГМО ни тартибга солиш соҳасидаги халқаро қонунчилик базасини ўрганиш асосида:

Ўзбекистон Республикаси худудида генетик модификацияланган организмлар айланиши ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи ва назорат қилиш соҳасидаги қонунчилик базасини таҳлил қилиш натижалари “Биологик хилма-хиллик ҳақидаги конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколи (Монреаль, 2000 йил 29 январь) қоидаларини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қарор лойиҳаси ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023-йил 17-июлдаги 01/04-1438-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ГМО айланиши ва фойдаланиш нитартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органларини аниқлаш имконини берган;

ген муҳандислиги усулида яратилган Порлоқ гўза навларининг биохавфсизлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари “Генетик модификацияланган организмлар ва уларнинг маҳсулотлари хавфсизлигини илмий экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш” тўғрисидаги низомни ишлаб чиқишда жорий этилган (Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023-йил 17-июлдаги 01/04-1439-сонли маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан генетик модификацияланган организмлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар хавфсизлигини баҳолаш имкони яратилган;

диссертацияда ишлаб чиқилган ген-муҳандислик усули билан олинган ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар биохавфсизлигини аниқлаш методологияси “Ген инженерияси орқали олинган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини баҳолаш” 2018-йил 06-ноябрдаги 0362-18-сонли Ўзбекистон Республикасининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена қоидалари (СанҚваМ) лойиҳаси ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати 2023-йил 21-июлдаги 12/24-10187-сонли маълумотномаси). Натижада генетик модификацияланган организмлар ва улардан тайёрланган маҳсулотларни инсон организмига эҳтимолий салбий таъсирининг хавфи ва хавфсизлигини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 дан ортиқ, жумладан, 6 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 41 та илмий иш чоп этилган. Шундан, 2 та монография, 2 та халқаро монографияларда боблар, 14 та илмий мақола, жумладан, 9 таси маҳаллий Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган нашрларда ва 5 таси хорижий (шундан 2 таси – Scopus халқаро базага кирган) журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 7 та боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми – 198 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг

устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши кўрсатилган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Генетик модификацияланган организмларнинг умумий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида ГМО ларни қишлоқ хўжалиги амалиётида қўллаш бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида умумий маълумот берилган. Айниқса, турли халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатларда генетик модификацияланган организмларни белгилаш масалалари ёритилган. Ушбу бобда ГМОларни яратиш ва аниқлаш усуллари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга, инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфларни камайтирадиган РНК аралашуви ва геномни таҳрирлаш усуллари каби ГМО яратишнинг замонавий усуллари алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Диссертациянинг **“Генетик модификацияланган организмлар хавфини баҳолаш тамойиллари ва методологияси”** деб номланган иккинчи бобида ГМО хавфларининг таснифи, уларни баҳолашдаги ёндашувлар, шунингдек, хавфни баҳолаш асосий босқичлари кўриб чиқилади. Бундан ташқари, ушбу бобда ГМО хавфини баҳолаш жараёнида муҳим эквивалентлик концепциясини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, у ГМОларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфларини баҳолаш усуллари ва ёндашувлари ҳақида маълумот беради. Цисген ва интраген организмлар хавфини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор берилади.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари, шартлари ва усуллари”** деб номланган учинчи боби диссертация ишини бажаришда қўлланиладиган усулларга бағишланган. Унда ўрганиш объектлари, молекуляр биология усуллари, шу жумладан ДНК экстракцияси, ПЗР ва реал вақт режимида ПЗР, биоинформатик, биокимёвий, токсикологик, шунингдек, экологик хавфларни баҳолаш усуллари батафсил тавсифланган.

Диссертациянинг **“Ген-нокаут ғўза навларининг муҳим эквивалентлигини аниқлаш”** деб номланган тўртинчи бобида Порлоқ-2 ва Порлоқ-4 ғўза навларида фитохром генлари экспрессиясини молекуляр-генетик таҳлилини дастлабки Кокер-312 линияси билан қиёсий ўрганиш, ген-нокаут ва ўзгартирилмаган ғўза навларида ДЭГ таҳлили, морфо-биологик ўзгаришларни таҳлил қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва озуқавий қиймати таъсир қилувчи белгиларнинг сезиларли эквивалентлигини аниқлаш натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг биринчи қисмида Порлоқ ғўза навларида фитохром А1 ва Б генларини қиёсий экспрессияси ҳамда ДЭГларни қиёсий таҳлили келтирилган. Порлоқ ғўза навларида *PHYA1* генининг экспрессияни ўрганиш Порлоқ-2 ғўза навида *PHYA1* транскриптларини назорат Кокер-312 линиясига нисбатдан 50% дан ортиқ камайганини кўрсатди. Шу билан бирга, Порлоқ-4

навидаги *PHYA1* генини экспрессия даражаси Кокер-312 линиясига нисбатан 55% га камайган (1-расм, А). Бундан ташқари, натижалар шуни кўрсатдики, ғўзанинг Порлоқ-2 навида *PHYB* генининг экспрессиясининг Кокер-312 линиясига нисбатан 1,36 марта ортиши кузатилган (1-расм, А). Шу билан бирга, Порлоқ-4 ғўза навида *PHYB* транскриптлари даражаси Кокер-312 назорат линияси билан солиштирганда 1,65 марта ошган (1-расм, А).




1-расм. Ғўза навларида фитохром генларининг қиёсий экспрессияси. Ген экспрессияси даражалари GhUBQ7 убиквитина гени ёрдамида нормаллаштирилди. $P \leq 0,05$.

Ген-нокаут ва модификацияланмаган ғўзалар ДЭГларни қиёсий таҳлили ген-нокаут навларида тола ривожланишини бошқарувчи бир қатор генларнинг транскрипция даражаси сезиларли даражада ўзгарганини кўрсатди (1-расм, Б). Шу билан бирга, олинган натижалар *RNAi-PHYA1* конструкциясининг ўрта толали ғўзанинг бошқа генларига нишондан ташқари таъсирини кўрсатмади, бу эса ўсимликни токсик потенциални кучайтирадиган артефакт оқсилларни ҳосил бўлмаслигини билдиради. Бу ўз навбатида *RNAi-PHYA1* конструкциясининг реципиент (ўрта толали ғўзанинг Кокер-312 линиялари) геномига салбий таъсири йўқлигига кўрсатади.

Ушбу бобнинг иккинчи қисмида асосий макро-, микро- ва антинутриентлар таркибини қиёсий баҳолаш натижалари келтирилган. Биринчи босқичда биз турли ғўза навлари чигитларида оқсилларнинг умумий миқдори, оқсил азоти ва оқсилларнинг фракцион таркибини ўргандик (2-расм, А, Б).

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, барча 3 та нав (2 трансформацияланган ва назорат) оқсилларнинг умумий миқдори, оқсил азоти ва оқсилларнинг фракцион таркиби бўйича статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмади. Бироқ, ўзгартирилган навларда умумий протеин даражасининг бироз пасайиши кузатилди, бу *PHYA1* генининг экспрессиясини пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлиб, бу эса ўз навбатида тегишли оқсил синтезининг пасайишига олиб келади (2-расм, А, Б).



2-расм. Турли хил ғўза навларидаги асосий макроэлементларнинг қиёсий таркиби.
 16:0 - пальмитин кислотаси, 18:0 - стеарин кислотаси, 18:1 - олеин кислотаси, 18:2 - линол кислотаси. $P \leq 0,05$.

Кейинги тажрибаларда биз турли хил ғўза генотиплари, жумладан, интраген чигитларининг сифат ва миқдорий липид таркибини ўргандик (2-расм, С). Натижалар шуни кўрсатдики, барча ўрганилган намуналардаги асосий ёғ кислоталари (ЁК) палмитик (16:0), стеарик (18:0), олейк (18:1) ва линолеик (18:2) кислоталардир. Ушбу тўртта ЁК ғўза чигитидаги умумий ЁК таркибининг 98% дан ортиғини ташкил қилади. Бошқа индивидуал ёғ кислоталарнинг таркиби (тўйинган - C12:0, C14:0, C17:0, C20:0, C22:0 ва C24:0, моно тўйинмаган - C14:1, C16:1, C17:1 ва C20:1, кўп тўйинмаган - C18:3 ва C20:3) 1% дан ошмади (C14:0 учун $0,77 \pm 0,08\%$) ва уларнинг йиғиндиси 2% дан кам эди. Шу билан бирга, Порлоқ ғўза навларидаги ЁК таркиби Кокер-312 назорат линиясиникидан деярли фарқ қилмади (2-расм, С). Шунинг таъкидлаш керакки, трансформация қилинмаган назорат Кокер-312 линиясига нисбатан Порлоқ ғўза навларининг чигитларидаги ЁК таркибида тўйинмаган ЁКнинг улуши юқори бўлиб тўйинган ЁК улуши эса паст эди. Бироқ, Порлоқ ғўза навлари чигитларининг ЁК таркибидаги бундай ўзгариш унинг озукавий қийматига таъсир кўрсатмади.


Бундан ташқари ғўза чигитларидаги углеводларнинг қиёсий даражаси ҳам ўрганилди (2-расм, Д). Бунда Порлоқ ғўза навлари чигитларидаги сувда эрийдиган углеводлар ва крахмал таркибидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга эмас эди. Ушбу натижалар pHellsgate-8::PHYA1 генетик

конструкциясининг ғўза геномига киритилиши фотосинтез ва углевод биосинтези учун масъул бўлган генларнинг фаоллигига таъсир қилмаганлигини кўрсатади.

Кейинги босқичда турли ғўза навлари чигитларидаги озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига таъсир этувчи микроэлементлар миқдорини қиёсий баҳолаш ўтказилди. Бунинг учун сувда ҳамда ёғда эрийдиган витаминлар, асосий макро ва микроэлементлар даражаси аниқланган (3-расм).

Сувда эрийдиган витаминларни таҳлил қилганда, В гуруҳи витаминларидан олинган барча намуналарда пиридоксин ва ниациннинг қолдиқлари мавжудлиги аниқланди. Тиамин, рибофлавин, ниацин ва аскорбин кислотаси намуналарнинг бирортасида топилмади (3-расм, А). Ёғда эрийдиган А ва Д витаминлари таркибини ўрганиш Порлоқ ғўза навлари чигитларида А витаминининг миқдорини Кокер-312 назорат линиясига нисбатдан статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши кузатилди. Шу билан бирга, модификацияланган навлардаги токоферолнинг таркиби назорат даражасида қолди (3-расм, Б).

Ген-нокаут ва назорат ғўза чигитлари таркибидаги макро ва микроэлементлар даражасини таҳлиллаш натижасида таркибида К, Р, Mg, Са ва Na максимал миқдорда бўлган 17 дан ортиқ элементлар аниқланган (3-расм, В ва Г). Натижалардан кўриниб турибдики, Порлоқ ғўза навларида макроэлементлар таркибида назорат ғўза навиға нисбатан ҳеч қандай ўзгариш кузатилмаган (3-расм, С). Fe, Zn, Cu, Al ва Mn каби микроэлементлар таркиби эса Порлоқ ғўза навлари чигитларида Кокер-312 назорат линиясига нисбатан статистик аҳамиятли ўзгармади (3-расм, Г).



3-расм. Ҳар хил ғўза навлари чигитидаги витамин ва минералларнинг қиёсий таркиби. $P \leq 0,05$.

Муҳим эквивалентликни аниқлашда яна бир муҳим параметр антинутриентлар таркибидаги ўзгаришларни аниқлашдир. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал

Чигитларни сифатли фитокимёвий саралаш натижаси

Кўрсаткич	Нав		
	Кокер-312	Порлоқ-2	Порлоқ-4
Алкалоидлар	-	-	-
Сапонинлар	-	-	-
Флавоноидлар	-	-	-
Юрак гликозидлари	-	-	-
Фитостероллар	-	-	-
Антрахинонлар	-	-	-

Ген-нокаут ғўза навлари ва Кокер-312 назорат линиясини сифатли қиёсий фитокимёвий скрининги натижасида ҳеч қандай фарқ аниқланмади ва ғўза чигитларида алкалоидлар, флавоноидлар, цианоген гликозидлар, сапонинлар ва антрахинонлар йўқлигини кўрсатилди (1-жадвал).

Бундан ташқари, турли ғўза навлари чигитларидаги тўқималарда мавжуд бўлган асосий токсин бўлган госсипол ва полифеноллар йиғиндисининг таркибига ҳам қиёсий баҳо берилди (4-расм).



4-расм. Ҳар хил ғўза генотиплари чигитидаги госсипол ва полифенолларнинг таркиби. $P \leq 0,05$

4-расмдан кўришиб турибдики, ғўза чигитларидаги госсипол чиқими ва фенолларни умумий миқдори Порлоқ ғўза навларининг чигитларидаги рутинга ҳисоблаганда назорат Кокер-312 линиясини шу кўрсаткичларидан аҳамиятли даражада фарқи йўқ.

Ушбу бобда олинган натижалар Порлоқ ғўза навларининг ўрганилган хусусиятлари назорат Кокер-312 линиясига эквивалентлигини, ҳамда ғўза геномига pHellsgate-8::PHYA1 конструкциясини киритилиши чигитларни озуқавий қийматининг ўзгартирмаслигини ва уларни токсик потенциалини оширмаслигини таъкидлаш имконини беради.

Диссертациянинг “Порлоқ ген-нокаут ғўза навларини инсон саломатлигига таъсирини аниқлаш” деб номланган бешинчи бобида Порлоқ ғўза навларининг чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларининг (тозаланган пахта ёғи, пахта шроти ва пахта чигит пўстлоғи) потенциал токсиклиги ва аллергенлигини назорат сифатида ишлатилган АН-Баёвут-2 ғўза нави чигитларидан олинган шу каби маҳсулотларга нисбатан баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг Порлоқ ғўза нави чигитларини умумий токсиклигини баҳолашга бағишланган биринчи қисмида, тозаланган пахта ёғи ўткир, ўртаўткир ва хроник токсиклигини аниқлаш бўйича *in vivo* тажрибалар натижалари ёритилган. Бунда ўткир токсикликни аниқлаш тадқиқотида ҳеч бир гуруҳда ҳайвонларининг ўлими кузатилмаган (2-жадвал).

2-жадвал

Тозаланган пахта ёғи берилган каламушларнинг тана вазнининг динамикаси

Кузатув даврлари, сутка	Ҳайвон гуруҳлари		
	АН-Баёвут-2	Порлоқ-2	Порлоқ-4
фон	100,0	100,0	100,0
5	99,0	99,5	99,5
10	113,8	113,7	117,7
15	121,5	123,0	120,0
30	133,0	131,4	132,0

$P \leq 0,5$, $n = 6$

Бундан ташқари, тадқиқ этилган тозаланган пахта ёғларининг тажрибада ишлатилган ҳайвонлар учун ўртача ярим ўлдирадиган дозасига 1500 дан 12000 мг/кг гача бўлган барча дозалар оралиғида эришилмади (2-жадвал).

Оқ каламушларда субхроник токсиклик усули билан ўртаўткир экспериментда кумулятив қувватни аниқлашда ҳайвонларнинг тана вазни динамикаси, шунингдек, ички органлар назорат билан солиштириганда экспериментал гуруҳларда фарқ қилмаслиги кўрсатилган (3-жадвал).

3-жадвал

Тозаланган пахта ёғи берилган тажриба ҳайвонларида ички органларнинг вазн коэффициентлари

Кўрсаткичлар	Ҳайвон гуруҳлари		
	АН-Баёвут-2	Порлоқ-2	Порлоқ-4
Юрак	5,00±0,04	4,50±0,03	4,80±0,10
Жигар	31,40±0,20	32,60±0,60	32,00±0,90
Буйраклар	6,70±0,6	6,80±0,7	6,60±0,2
Ўпкалар	6,90±0,9	7,20±0,1	7,00±0,2
Қизилўнгач	4,30±0,06	4,21±0,10	4,12±0,08
Мия	10,80±0,40	10,20±0,08	11,60±0,20
Буйрак усти безлари	0,20±0,002	0,22±0,002	0,23±0,003

$P \leq 0,5$, $n = 6$

Тозаланган пахта ёғи билан ишлов берилган ҳайвонларнинг периферик қон параметрлари ҳам ўрганилди. Шу билан бирга, назорат ва экспериментал гуруҳлар ўртасида ўрганилган параметрларнинг бирортасида сезиларли

ўзгаришлар кузатилмади. Барча экспериментал ҳайвонларда эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар ва гемоглобиннинг умумий миқдори назоратдан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмади (4-жадвал).

4-жадвал

Тозаланган пахта ёғи берилган каламушларнинг периферик қон параметрлари

Гуруҳлар	Текширилаётган кўрсаткичлар			
	Эритроцитлар, $10^{12}/л$	Гемоглобин, г/л	Тромбоцитлар, $10^9/л$	Лейкоцитлар, $10^9/л$
АН-Баёвут-2	7,15±0,6	159±7,1	435,2±14,4	10,58±0,18
Порлоқ-2	7,35±0,13	166,1± 5,5	437,3±12,5	11,2±0,6
Порлоқ-4	7,32±0,25	163,5±5,0	429,7±12,8	11,05±0,2

$P \leq 0,5, n = 6$

Шу билан бирга, жигарда патологик жараёнларни ташхислаш учун ишлатиладиган жигар ферментларининг фаоллиги ўрганилди (5-жадвал). Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, экспериментал гуруҳ ҳайвонларида аланин аминотрансфераза (АЛТ) ва аспартат аминотрансфераза (АСТ) фаоллиги назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ўзгармаган (5-жадвал).

5-жадвал

Тозаланган пахта ёғи берилган каламушлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари

Гуруҳ	АЛТ, Е/л	АСТ, Е/л	ИФ, Е/л	Умумий оксил, г/л
АН-Баёвут-2	71,8±3,3	118±7,7	596±28,2	69,8±1,9
Порлоқ-2	67,7±2,4	118±2,2	593±23,2	69,4±3,9
Порлоқ-4	72,1±3,3	119±7,6	597±28	69,8±2,0

$P \leq 0,05, n = 6$

5-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, жигарнинг оксил ҳосил қилувчи функциясининг информацион кўрсаткичи бўлган зардоб оксилларининг умумий даражасини ўрганиш ҳам назоратга нисбатан барча экспериментал гуруҳларда ҳеч қандай ўзгаришларни кўрсатмади. Бундан ташқари, қиёсий баҳолаш учун де Ритис коэффиценти ҳисоблаб чиқилди. Бу кўрсаткич барча экспериментал гуруҳлар учун 1,28-1,33 оралиғида бўлиб, назоратдан деярли фарқ қилмади (1,32).

Субхроник экспериментда организмдаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнларининг ҳолати каталаза ва холинэстераза ферментларининг фаоллиги ҳамда SH-гуруҳларининг таркибини ўрганиш асосида баҳоланди. Бунда, тажриба ҳайвонларида оксидланиш-қайтарилиш жараёнларининг ўрганилган интеграл кўрсаткичлари бутун тажриба давомида физиологик ўзгаришлар чегарасида эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, Порлоқ ғўза навларининг чигитларидан олинган тозаланган пахта ёғи қиёсий субхроник токсиклигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар жараёнида ушбу ёғни анъанавий селекция йўли билан олинган АН-Баёвут-2 чигитларидан олинган ёғга нисбатан токсик потенциали сезиларли даражада ошиши аниқланмади.

Умумий токсиклик даражасини аниқлашнинг навбатдаги босқичи узоқ

муддатли тажрибада чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларининг (тозаланган пахта ёғи, пахта шроти ва пахта чигит пўстлоғи) умумий токсик таъсирини қиёсий баҳолаш бўлди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, Порлоқ ғўза навлари чигитларининг қайта ишлашдан олинган маҳсулотларини 1 ой давомида истеъмол қилгандан сўнг, тажриба гуруҳи ҳайвонларининг қон зардобидаги умумий оқсил миқдори, аминотрансфераза ва ишқорий фосфатаза фаоллиги статистик жиҳатдан АН-Баёвут-2 назорат гуруҳи кўрсаткичларидан сезиларли даражада фарқ қилмади. Порлоқ ғўза навларининг чигитларини қайта ишлашдан олинган барча маҳсулотлар (тозаланган пахта ёғи, пахта шроти ва пахта чигит пўстлоғи) бўйича узоқ давом этган тажрибадан кейинги кўрсаткичлар назоратдан фарқ қилмади. Ўтказилган тадқиқотлар, каламушларни Порлоқ ғўза навларининг чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар қўшилган овқатланишда узоқ муддат ушлаб туриш эндо ва экзоген заҳарли бирикмаларнинг биотрансформацияси ва детоксификациясида қаташадиган жигар хужайралари мембрана структураларини функционал ҳолати ва фермент тизимларининг фаоллигида физиологик чегаралардан чиқадиган аҳамиятли ўзгаришларга олиб келмаслигини кўрсатди.

Ушбу бобнинг “ГМ-ғўза чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларини специфик токсиклигини баҳолаш” деб номланган иккинчи бўлимида чигитлари қайта ишлашдан олинган маҳсулотларини мутаген, гонадотоксик, эмбриотоксик ва тератоген таъсирини қиёсий баҳолашга оид маълумотлар келтирилган. Биринчи босқичда ўрганилаётган маҳсулот намуналарининг мумкин бўлган гонадотоксик ва мутаген фаоллиги (эркак ва аёл жинсий безларига таъсири) бўйича тадқиқотлар ўтказилди (6-жадвал).

6-жадвал

Чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар таъсири остида бўлган оқ каламушларнинг экстрал циклини баҳолаш

Маҳсулот	Циклдаги кунлар сони		Фаоллик даври (проэструс, эструс)		Тиним даври (диэструс, метаэструс)		Ойига бир урғочи учун циклар сони	
	30 кун	75 кун	30 кун	75 кун	30 кун	75 кун	30 кун	75 кун
Пахта ёғи								
АН-Баёвут-2	7,74	7,23	4,16	3,17	3,68	4,06	3,88	4,14
Порлоқ-2	7,71	7,49	4,14	3,10	3,57	4,39	3,89	4,01
Порлоқ 4	7,43	7,48	3,83	3,21	3,60	4,27	4,03	4,01
Пахта шроти								
АН-Баёвут-2	7,64	7,60	3,86	4,04	3,78	3,56	3,93	3,95
Порлоқ-2	7,83	7,98	3,66	3,97	4,17	4,01	3,83	3,75
Порлоқ 4	7,75	7,77	4,01	3,68	3,74	4,09	3,87	3,86
Пахта пўстлоғи								
АН-Баёвут-2	7,69	7,50	3,93	3,52	3,76	3,98	3,90	4,00
Порлоқ-2	7,46	7,76	3,78	3,71	3,68	4,05	4,02	3,87
Порлоқ 4	7,65	7,71	3,87	3,83	3,78	3,88	3,92	3,89

6-жадвалдан кўриниб турибдики, чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни узоқ муддатли истеъмол қилиш урғочи каламушлар репродуктив тизимига таъсир қилмайди. Барча кўрсаткичлар: экстрал

циклининг фаол даврининг (проэструс ва эструс), тиним (диэструс ва метаэструс) давомийлиги, циклидаги кунлар сони ва ойдаги бир урғочи тўғри келадиган цикллар сони назорат ҳайвонлардан сезиларли даражада фарқ қилмайди.

Чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни потенциал мутагенлиги иккита тест орқали ўрганилди: жинсий хужайралардаги анормал сперматозоидлар бошлари (АСБ) ва доминант ҳалокатли мутациялар (ДХМ) частотасини ҳисобга олиш (7-жадвал). Порлоқ-2 ва Порлоқ-4 навлари чигитларидан олинган ёғини қабул қилган тажриба гуруҳларида сперматозоидларнинг бошларида аномалиялар билан касалланиш даражаси мос равишда 1,1 ва 0,9% ни ташкил этди. Шу навлардан олинган шрот билан боқилган гуруҳларда АСБ частотаси мос равишда 1,18 ва 1,2% ни ташкил этди. Ушбу навлар чигитларининг пўстлоғи билан боқилган ҳайвонларда эса АСБ кўрсаткичи 1,2 ва 1,4% ни ташкил қилди. АН-Баёвут-2 ғўза нави чигитларидан олинган аналогик маҳсулотлар билан боқилган назорат гуруҳларида АСБ частотаси 1,0% ни ташкил қилди (7-жадвал).

АСБ ҳисоб тестидан фойдаланган ҳолда олдинги тажрибада олинган, чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларининг мутаген фаоллиги мавжуд ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаш учун биз ўрганилаётган маҳсулотлар билан боқилган ҳайвонларнинг жинсий хужайраларида ДХМ частотасини ҳисобга олиш бўйича қўшимча субхроник тадқиқотлар ўтказдик. Бунинг учун эркак каламушлар чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларининг ўртача суткалик миқдори билан 75 кун давомида боқилди.

7-жадвал

Каламушларда чигит маҳсулотларини субхроник қабулдан кейин аномал сперматозоид бошларининг индукцияси

Маҳсулот	Миқдор		Аномал сперматозоид бошлари	
	эркак	сперма	абсолют	%
Пахта ёғи				
АН-Баёвут-2	5	1000	10,0	1,0
Порлоқ-2	5	1000	11,0	1,1
Порлоқ-4	5	1000	9,0	0,9
Пахта шроти				
АН-Баёвут-2	5	1000	11,0	1,1
Порлоқ-2	5	1000	11,8	1,18
Порлоқ-4	5	1000	12,0	1,2
Пахта пўстлоғи				
АН-Баёвут-2	5	1000	11,0	1,1
Порлоқ-2	5	1000	12,0	1,2
Порлоқ-4	5	1000	14,0	1,4

Ўрганилаётган маҳсулотлар билан боқилган эркак каламушлар билан жуфтлашган урғочилардан олинган эмбрион материалининг таҳлили барча экспериментал гуруҳларда эмбрионларнинг омон қолиш даражаси назорат гуруҳларидан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмаслигини кўрсатди. Шунингдек, назорат билан солиштириганда, имплантациядан олдинги

йўқотишлар ҳам ишончсиз эди. Барча экспериментал гуруҳларда индукция қилинган ўлимга олиб келадиган мутациялар частотасини баҳолашнинг энг аниқ мезони ҳисобланган имплантациядан кейинги ўлим даражасининг фарқи назорат гуруҳлари билан солиштириганда статистик ноаниқ эди.

Шундай қилиб, олинган маълумотларга асосланиб, Порлоқ гўза навларидан чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларини мутаген эмас деб таснифлаш мумкин, чунки уларни узоқ муддат давомида қўллаш (озикланиш) мутаген таъсир келтириб чиқармади.

Кейинги босқичда, гўза чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг эмбриотоксик ва тератоген таъсирини баҳолашга ҳаракат қилинди. Шу мақсадда оқ каламушлар рационига гўза чигитларни қайта ишладан олинган маҳсулотларининг ўртача суткалик дозаси киритилди. Тажрибалар давомида Порлоқ гўза навларидан чигитларининг маҳсулотлари билан озиклантирилган экспериментал урғочи каламушларда ривожланишнинг барча босқичларида эмбрионларнинг нобуд бўлиши назорат кўрсаткичларидан фарқ қилмади. Тажриба гуруҳларидаги хомила вазни ва ҳажми назорат кўрсаткичлари билан мутаносиб натижани намоён этди. Эмбрионларнинг ташқи кўринишида биз ҳеч қандай деформацияни топмадик, тўққизта сагиттал кесиш натижаларига кўра, эмбрионларнинг ривожланишида ҳеч қандай анормаллик қайд этилмаган. Лаборатория тадқиқотлари натижаларига кўра, каламушлар овқатига (ҳар бир гуруҳга алоҳида-алоҳида, битта маҳсулот) ГМ-чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни ўртача кунлик рационал фойдаланиш дозасида (умумий калориянинг 10%) киритиш эмбриотоксик ва тератоген таъсирни келтириб чиқармайди деган хулосага келиш мумкин.

Шунингдек, биз ГМ-чигитларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни каламушларнинг постнатал ривожланишига таъсирини ҳам баҳоладик. Бунда, анъанавий селекция йўли билан яратилган АН-Баёвут-2 назорат навидан олинган аналогик маҳсулотларга нисбатан Порлоқ гўза навларининг чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг бирортаси ҳам каламушларнинг туғруқдан кейинги ривожланишига сезиларли салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотларда гўзанинг Порлоқ-2 ва Порлоқ-4 навларидан олинган тозаланган пахта мойи, шрот ва шелухасининг эмбриотоксик ҳамда тератоген таъсири аниқланмади.

Ушбу бобнинг **“Ген-нокаут гўза навлари чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг потенциал аллергенлигини баҳолаш”** деб номланган учинчи бўлимида турли гўза навларинг чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг аллерген ва иммунотоксик таъсирини аниқлаш бўйича *in vitro* ва *in vivo* тажрибалар натижалари келтирилган. Трансген оқсилларнинг клиниколди аллергенлигини *in vivo* баҳолаш учун тери тести ва кўзнинг шиллиқ қаватига таъсир синовларидан фойдаланилди. Тозаланган пахта ёғини кўз шиллиқ қаватига таъсирини баҳолаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари, препаратлар таъсирида кўз шиллиқ қаватининг гиперемияси қайд этилмаганлигини ва безовталаниш аломатлари йўқлигини кўрсатди. Бундан ташқари, сенсibiliзация эффекти скарификация усули билан баҳоланди.

Скарификация тестидан сўнг ўтказилган синовлар чигитларидан олинган ва тозаланган ёғ билан ишлов берилган ҳайвонлар гуруҳларида жавоб реакцияси салбий эканлигини кўрсатди.

In vivo синовлар билан бир қаторда Порлоқ ғўза навлари чигитидан олинган тозаланган пахта ёғининг иммуномодуляцион хусусиятлари бўйича специфик иммунологик текширувлар ўтказилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ўрганилган ёғ намуналари (назорат: АН-Баёвут-2 ҳамда экспериментал: Порлоқ-2 ва Порлоқ-4) иммунизация қилинган каламушларнинг талоқидаги АХХ (антитаначалар ҳосил қилувчи ҳужайралар) сонини ва уларни периферик қонида ҚЭ (қўй эритроцитлари) га антитаначалар титрини сезиларли даражада оширади. Бундан ташқари, ўрганилган ёғ намуналари иммунитетнинг марказий органи – тимус ва лимфа тугунларидаги ҳужайралар сонини кўпайтириши аниқланди. Шундай қилиб, RNAi усули ёрдамида генетик модификациялаш ғўзанинг чигитларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг аллерген хусусиятларини оширмайди.

“Ген-нокаут Порлоқ ғўза навларининг экологик хавф-хатарларини баҳолаш” деб номланган олтинчи бобида Порлоқ ғўза навларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бунда, генларнинг вертикал ва горизонтал кўчиши, чидамли организмларнинг пайдо бўлиши ва бегона ўтлар потенциалининг ошиши, шунингдек, нишондан ташқари таъсир қилиш эҳтимоли ўрганилди.

Бобининг **“Генларнинг вертикал ва горизонтал кўчиб ўтиш хавф-хатарларини баҳолаш”** деб номланган биринчи қисмида бўйича таҳлиллар ўтказилди ҳамда Порлоқ ғўза навларидан ёввойи ва маданий турларга, шунингдек, микроорганизмларга генларнинг кўчиб ўтиш эҳтимоли аниқланди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида етиштирилган трансгенларнинг ёввойи табиатда ўсадиган турларга кўчиш эҳтимоли кам. Бироқ, Порлоқ навларини етиштиришда бошқа ғўза навларига кўчиб ўтиш эҳтимоли мавжуд. Тижорат мақсадларида фойдаланиш давомида Порлоқ ғўза навлари гул чангини ҳашаротлар билан бошқа трансген бўлмаган навларга ўтиб кетишини олдини олиш учун, уларни трансген бўлмаган нав экин майдонларидан камида 200 м масофада етиштириш ва пахта майдони яқинида асалари уяларинг йўқлиги каби чекловчи омиллар ёрдамида изоляция қилиш мумкин. Генларни горизонтал кўчиб ўтиш эҳтимоли таҳлил қилинганда, бактерия геномига ген кўчиб ўтиши мумкинлиги аниқланди. Бироқ, бактериянинг промотери назорати остида конструкцияни транскрипция қилиш мумкин эмаслиги сабабли, ножўя таъсирлар пайдо бўлиш эҳтимоли кам.

